

AKSIYADORLARNING YILLIK UMUMIY YIG`ILISHINING 01/2022 - sonli BAYONNOMASI

Манзили “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ биноси,
Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 3

2022 йил 24 июнь
иш вақти 10.00-13.00

Банк Кенгаши томонидан 2022 йил 27 майда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставига биноан, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш тўғрисида 2022/09-сонли қарори қабул қилинган.

2022 йил 31 май холатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан банк акциядорларига умумий йиғилиш ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисида хабар “Тошкент” РФБ, Корпоратив ахборот ягона портали, банкнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилган. Шу билан бирга мазкур хабар мамлакатимизнинг “Халқ сўзи” марказий рўзномасининг жорий йил 1 июндаги 112-113-сонида ҳамда “Народное слово” марказий рўзномасининг жорий йил 1 июндаги 110-111-сонида чоп этилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддасига ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, Умумий йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2022 йил 20 июнь деб белгиланди. Мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан факат оддий акция эгалари йиғилишда овоз бериш хукуқига эга.

2022 йил 20 июнь ҳолатига Банкнинг Устав капитали 4 634 513 904 398 (*тўрт триллион олти юз ўттиз тўрт миллиард беши юз ўн уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсан саккиз*) сўмни ташкил қиласди ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 4 627 483 904 398 (*тўрт триллион олти юз иштирма етти миллиард тўрт юз саксон уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсан саккиз*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 243 551 784 442 (*икки юз қирқ уч миллиард беши юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки*) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- умумий қиймати 7 030 000 000 (*етти миллиард ўттиз миллион*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 370 000 000 (*уч юз етмиши миллион*) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворум тўпланганлиги*) бўйича сўз Саноқ комиссиясининг раиси Дилшод Абдукадировга берилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2022 йил 20 июнь ҳолатига йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 243 551 784 442 (*икки юз қирқ уч миллиард беш юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки*) дона оддий акциялар киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Саноқ комиссиясининг ҳисоботига асосан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2022 йил 20 июнь ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 243 551 784 442 (*икки юз қирқ уч миллиард беш юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки*) дона оддий акциялар эгаси бўлган акциядор киритилган.

Йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 232 095 118 502 (*икки юз ўттиз икки миллиард тўқсон беш миллион бир юз ўн саккиз минг беш юз икки*) дона ёки 95,3 фоизига эгалик қилувчи 3 (*уч*) нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Саноқ комиссияси баённомаси, акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхати, Саноқ комиссияси маълумотномаси матни илова қилинади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун Банк Кенгаши Раиси ўринбосари – У.Мухтаров йиғилиш Раиси этиб сайланди.

Йиғилиш Раиси – У.Мухтаров банк акциядорларининг йиллик Умумий йиғилишини очик деб эълон қилди. Йиғилишда банкнинг йирик акциядори – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат иштироқидаги тижорат банкларини ислоҳ қилиш департаменти директори – Ж.Абдушукуров, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ижочи директори – У.Мухтаров, бошқа акциядорлар ҳамда Банкнинг Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари, Бош банкнинг бўлинмаларнинг раҳбарлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуидаги таркибда тузилди:

Йиғилиши ҳайъати: У.Мухтаров (йиғилишга Раислик қилувчи), Ж.Абдушукуров, С.Аннакличев.

Саноқ комиссияси: Д.Абдукадиров, Х.Умаров.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига қуидаги масалалар киритилган:

- 1.** Банк Кенгashi ва Boшқарувининг 2021 йил яқунлари бўйича фаолияти ҳамда банкнинг ривожлантириш стратегиясини бажарилиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшлиш.
- 2.** Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшлиш.
- 3.** Банкнинг 2021 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
- 4.** Банк фойдасини тақсимлаш ва ҳар бир Кенгаш аъзосига корпоратив йил учун тўланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш.
- 5.** 2021-2022 корпоратив йилида Банк Кенгашининг ўз ўзини ҳамда ҳар бир Кенгаш аъзосини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
- 6.** Банкда корпоратив бошқарув тизимини 2021 йил яқунларига кўра ўтказилган мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
- 7.** Корпоратив йилга Банк Кенгashi аъзоларининг сайлаш.
- 8.** Корпоратив йилга Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
- 9.** Банк Boшқаруvi Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини тузиш / узайтириш тўғрисида.
- 10.** 2022 молия йили бўйича Банкда ташқи аудиторлик текширувани ўтказиш учун ташқи аудитор ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп хақ миқдорини белгилаш.
- 11.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Boшқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (КРІ) тасдиқлаш тўғрисида.
- 12.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Уставини (янги таҳрирда) тасдиқлаш тўғрисида.
- 13.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Boшқаруvi тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлаш тўғрисида.
- 14.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Кенгashi тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлаш тўғрисида.
- 15.** “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
- 16.** Xалқaro молия корпорациясининг (ХМК) банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилинувчи кредитнинг валютасини ўзгартириш ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамда ХМК ўртасида 2021 йил

20 сентябрда имзоланган Кредит битимиға қўшимча келишув тузиш масаласини маъқуллаш.

17. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 50 млн. АҚШ доллари эквивалентидаги кредитини банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилиш масаласини маъқуллаш.

Умумий йиғилишни иш тартиби қуидагича белгилаб олинди:

- Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисботини, банкни 2021 йил учун стратегиясини бажарилиши тўғрисида ҳисботни эшитиш - 15 дақиқагача вакт бериш;
- Тафтиш комиссиясининг хulosаси бўйича маъruzachiiga 15 дақиқагача;
- Маъruzalар бўйича мухокамага - 10 дақиқагача;
- Кун тартиbidagi масалаларни кўриб чиқишга – 60 дақиқагача;
- Кун тартиbidagi масалалар бўйича овоз бериш учун - 15 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Йиғилиш Раиси У.Мухтаров кун тартиbidagi биринчи масала бўйича ҳисботини намойиш қилишдан олдин йиғилиш қатнашчиларга ҳисбот йилида Мамлакатимизда молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чоратадбирлар амалга оширилиб, натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу соҳада ракобат мухитини кучайтириш учун зарур ҳуқукий шартшароитлар яратилганини таъкидлаб ўтди.

Мұхтарам Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармонлари билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси асосида банк тизими молиявий барқарорлигини оширилиши, бозор тамойиллари доирасида кредитлаш, банкларни хос бўлмаган функциялардан озод этилиши, масофавий хизматларни кенгайтириш учун яратилаётган имкониятлар – банк тизими салоҳиятини юксалишига хизмат қилишини айтиб ўтди.

Бундан ташқари ҳисбот йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБни Халқаро молия корпорацияси иштирокида хусусийлаштириш ва трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 мартағи 161-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 778-сонли қарори бўйича банкни хусусийлаштириш жарёнларида Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банкининг иштироқ этишига розилик берилганини маълум қилди. Ушбу банкларнинг ҳар бири 50 млн. АҚШ доллардан Банк устав капиталига инвестиция киритишини, трансформация жараёнидан кейин янги акциядорлар кириши кутилаётганлигини айтиб ўтди. Банкнинг ривожлантириш

стратегиясида белгиланган мақсадлар асосида лойиҳаларни молиялаштиришда уларнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигига эътибор қаратилди. Хусусан, банкда йирик лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобига 25 мингдан зиёд ишчи ўринлари яратилди.

Соф фойдани шакллантириш бўйича (993 млрд.сўм) банклари орасида биринчи ўринда бўлганини мамнунлик билан маълум қилди. Бу борада эришилган юқори натижалар банкнинг Бошқарув органлари ҳамда банк жамоасининг самарали фаолияти билан боғлаб, Кенгаш ва акциядорлар номидан ташаккур билдириди. Шу билан бир қаторда йиғилиш раиси томонидан бир ходимга ўртacha соф фойда, бир филиалга ўртacha соф фойда ва активлар ўсиши, капитални етарлилиги кўрсаткичларни кўтарилиб меъёрда бўлганлиги, капитални рентабелиги каби кўрсаткичлари тилга олинди.

Кун тартибидаги биринчи масала – “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкни 2021 йил учун стратегиясини бажарилиши тўғрисида ҳисботни эшитиш” масаласи юзасидан йиғилиш иштирокчиларига Банк жамоаси томонидан 2021 йилда эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида банкни трансформация жараёни доирасида режалаштирилган ишлар ва истиқболда эришиш учун белгиланган молиявий кўрсаткичлари бўйича видеолавҳа намойиш этилди. Йиғилиш Раиси У.Мухтаров Банк Кенгаши томонидан мазкур ҳисбот тасдиқланганлигини таъкидлаб ўтиб, йиғилишда иштирок этган акциядор ва уларнинг вакилларини ушбу қарорни кўллаб-қувватлашни сўради.

Кун тартибидаги иккинчи масала – “Банк Тафтиш комиссиясининг хulosасини эшитиш” масаласи бўйича Тафтиш комиссияси аъзоси – С. Хабибуллаев маъруза қилди. Маърузачи йиғилиш қатнашчиларига 2021 йил якуни бўйича Тафтиш комиссия томонидан банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича ҳисботини тақдим этган. Тақдимот жараёнида маърузачи банкнинг ҳисботларида кўрсатилган молиявий-хўжалик кўрсаткичларни тасдиқлангини ҳамда Марказий банк томонидан ўрнатиласган капитал етарлилиги бўйича меъёрларни бажарилишини маълум қилди. Филиаллар кесимида Ички аудит томонидан қилинган текширишларнинг натижалари тафтиш комиссия томонидан тасдиқланди. Ҳисбот якунида банк Бошқарувига муддати ўтган кредитларни ундириш бўйича, банк балансига қабул қилинган мулкларни қисқа муддатларда сотиш, инвестиция портфелида кам даромадли активларни бозор қийматида сотиш, банк балансидан чиқарилган ва ҳисоби банкнинг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида юритилаётган муаммоли кредитларни ундириш бўйича самарали чоралар кўришни тавсия бериб, ҳисбот йилда банк молиявий-хўжалик фаолиятини “яхши” деб баҳоланганини маълум қилди.

Йиғилиш Раиси томонидан ҳисбот йилида банкнинг кредит портфелида муддати ўтган қарздорлик ҳамда суд жараёнида бўлган ссудалар бўйича, кўзда

тутилмаган холатлар бўйича, кредит таъминотининг ҳолати, кам даромад олиб келадиган активлар, Тафтиш комиссия ҳисоботида кўрсатиб ўтилган эътиrozларни йил охиригача ҳар чоракда маъсул департаментлар бартараф этилишини шартлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги учинчи масала – “Банкнинг 2021 йил якуnlари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш” масаласи бўйича йиғилиш Раиси 2021 йил фаолияти давомида Банк томонидан эришилган молиявий кўрсаткичлари юзасидан қисқача тўхталиб ўтди. (*йиллик ҳисобот намунаси З-ловавада*).

Кун тартибидаги тўртинчи масала, бўйича йиғилиш Раиси У.Мухтаров Банкнинг Ғазначилик департаменти директори И.Тожиевга сўз берди. Маърузачи банк Кенгаши томонидан жорий йил 27 майдаги йиғилишида кўриб чиқилган 2021 йилда олинган банкнинг соф фойдасини тақсимлаш бўйича банк Кенгаши томонидан тавсия этилган таклифи билан таништириб ўтди ва ушбу масала бўйича тавсиялар тарқатма материалларда келтирилганлигини маълум қилган бўлсада, йиғилиш Раиси ушбу масала юзасидан банкнинг йирик акциядорлари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда сўнгги якуний таклифини эълон қилди.

2021 йил учун олинган 993 037 815 685,05 сўм миқдоридаги соф фойдани қўйидагича тақсимлаш бўйича таклиф берди:

- Умумий мақсадли захира фондига соф фойданинг 5%, яъни – 49 651 890 784,25 сўм;
- Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 1 616 900 000,00 сўм;
- Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 0 сўм;
- Тафтиш комиссияси аъзоларининг мукофот миқдори – 47 873 280,00 сўм;
- Тақсимланмаган фойда – 941 721 151 620,80 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги вакили Ж.Абдушукуров томонидан ушбу тақсимлаш алоҳида акциядорларнинг эътиборига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалий қонунчилига асосан жорий йилда оддий акциялар бўйича девиденд тўламаслик талаби етказилди ва у бўйича тушунтириш берилди. Ушбу талабни қўйилишига банкнинг биринчи даражалик капитални етарлилиги кўрсаткичининг меъёрдан ошган ҳолда бажарилиши ҳамда банкнинг кредитлаш қобулиятининг оширилиши, шу билан бирга хукумат топшириқларига асосан йирик кредитлар ажратиш учун имконият яратилиши таъкидлаб ўтилди.

Кенгаш аъзоларига 2022-23 корпоратив йил учун тўланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш, Банк Кенгашининг 2022 йил 27 майдаги 2022/08-сонли йиғилиш баённомаси билан дастлабки

тарзда кўриб чиқилганлиги ва тасдиқланганлигини ҳамда ушбу масала бўйича тавсиялар тарқатма материалларда келтирилганлигини маълум қилди.

Акциядорлардан соф фойдани тақсимлаш бўйича сўнги киритилган таклифни қўллаб қувватлаш сўралди. Саноқ комиссиядан овоз бериш бюллетенларга ва йиғилиш материалларга ушбу масала бўйича тегишли ўзгартириш киритиш бўйича топшириқ берилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала, бўйича ҳисобот учун Корпоратив маслахатчи К.Алимовга сўз берилди. Кенгаш аъзолари томонидан 5та йўналиш бўйича сўровномага жавоб берганларини ва баҳолаш натижалари йиғилиш материалларда тақдим этилганини маълум қилиб, Кенгаш аъзоларнинг ўз-ўзини баҳолаш жихатлари бўйича қисқача тушунтириш берилди. Шу билан бирга баҳолаш натижаларга кўра Кенгаш аъзолари томонидан берилган таклиф ва тавсиялар билан ҳам танишириб ўтилди. Йиғилиш Раиси томонидан Банк Кенгашининг ўз ўзини ҳамда хар бир Кенгаш аъзоларини баҳолаш натижаларини инобатга олиш таклифи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги олтинчи масала, бўйича ҳисобот учун Корпоратив маслахатчи К.Алимовга сўз берилди. Маъruzachi ўз нутқида Банкнинг Устави ва Корпоратив кодекси талабларига биноан акциядорлик жамият фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини тақомиллаштириш мақсадида холис баҳолаш ташкилоти томонидан текширувдан ўтказилиши белгиланганлигини маълум қилди.

Ушбу белгиланган талабларни бажариш мақсадида 2021 йил натижалари бўйича “CITY CAPITAL” МЧЖ (мустақил ташкилот) томонидан баҳолаш ўтказилди ва Банк корпоратив бошқарув тизимининг фаолияти 1085 балл 90,42% баҳоланиб, “Юқори” деб топилганини маълум қилди. Йиғилиш Раиси томонидан холис баҳолаш натижарни тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги еттинчи масала, бўйича Йиғилиш раиси У.Мухтаров тушунтириш бериб ўтди. Банк Кенгashi таркибига сайлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 30 марта 02/29-36/648-сонли, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг 2022 йил 08 февралдаги ШВ-06/05-93-сонли ва “Ўзтрансгаз” АЖнинг 2022 йил 7 февралдаги 04-28-38/675-сонли хатлар билан таклиф этилганини ва ўрнатилган тартибда жорий йили 18 майдаги банк Кенгашининг 2022/08-сонли қарори билан кўриб чиқилган қўйидаги номзодлар тавсия этилганини маълум қилди:

1. Воитов Азиз Ботирович - Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва Ташқи савдо вазирлиги, вазирнинг биринчи ўринbosари. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг раиси.

2. Султанов Дилшод Шухратович, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринbosари. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг аъзоси.

3. Мухтаров Улуғбек Ҳакимович, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори ўринbosари. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг раис ўринbosари.

4. Мустафоев Хуршид Бахтиярович, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департамент директори. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг аъзоси.

5. Юлия Александровна Айзуп, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг мустақил аъзоси.

6. Александр фон Глайх, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг мустақил аъзоси.

7. Туинстра Фердинанд Виллем, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг мустақил аъзоси.

8. Оксана Сивокобыльска, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашига мустақил аъзолигига номзод.

9. Грэгг С. Робинс, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашига мустақил аъзолигига номзод.

10. Маматкаримов Баҳтиёр Рустамович, “Ўзтрансгаз” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари.

Кенгаш таркибида сайлаш учун акциядорлар томонидан тавсия этилган номзодларнинг шахсий маълумотлари билан қисқача таништириб ўтилди. Шу билан бирга Банк Кенгашига 10 та номзодлардан қумулятив тарзда энг кўп овозга эга бўлган 9 та номзод сайланиши тўғрисида тушунтириб ўтилди ва Кенгаш аъзоларни сайлаш масаласи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала, бўйича маълумот бериш учун Корпоратив маслаҳатчи К.Алимовга сўз берилди. Йирик акциядорлардан ўрнатилган тартибда Тафтиш комиссияга сайлаш учун номзодлар берилганини маълум қилди. Бироқ, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига акциядорлик жамиятининг Тафтиш комиссияни ташкил қилиш бўйича ўзгартириш киритилиши муносабати билан (2022 йил 29 март ЎРҚ-760) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банқдаги давлат улуши бўйича маъсул вакили бўлиб, Тафтиш комиссияси фаолиятини тугатиш тўғрисида 2022 йил 6 июндаги 02/29-36/943-сонли хатини инобатга олиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Тафтиш комиссияси фаолиятини тугатиш масаласи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала, бўйича йиғилиш Раиси тушунтиришлар бериб, ўз сўзида Банкнинг бир маромда фаолият юритганлиги, Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Бизнес режада ўрнатилган барча молиявий кўрсаткичлар бажарилганлигини, меҳнат жамоаси томонидан ҳисобот йили давомида 993 037,8 млн.сўм соф фойда олишга эришилганини, Банк Бошқаруви томонидан трансформация жараёнларини фаол ва шиддат билан олиб борганини ва ушбу йўналишда салмоқли ютуқларга эришганини таъкидлаб ўтди.

Ҳисобот йилда амалга оширилган ишлар натижасида Ўзсаноатқурилишбанк:

- AsiaMoney журнали томонидан ўтказилган танловда “2021 йилнинг энг яхши банки” сифатида;

- Осиё тараққиёт банки томонидан энг яхши ҳамкор банк сифатида; ва шу каба соврунлар билан тақдирланди.

Банк рейтинги нуфузли “Standard&Poor’s” ва “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентликлари томонидан “ВВ-” даражада тасдиқланди.

2021 йил якуnlари бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “Ахбор-Рейтинг” миллий рейтинг компаниясининг “uzA+” даражасидаги “Ижобий” прогноз билан юқори рақобатбардошлик рейтинги хам тасдиқланди.

Банк Кенгашининг мажлисида Банк Бошқарув аъзолари:

- 1. Аннакличев Сали Сапармухамедович**, Бошқарув Раиси;
- 2. Акбаржонов Азиз Акбаржон**, Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари;
- 3. Эргашев Анваржон Абдумажитович**, Бошқарув Раиси ўринбосари
- 4. Якубов Шухрат Исроилович**, Бошқарув Раиси ўринбосари;
- 5. Рахматов Баҳтиёр Алиевич**, Бошқарув Раиси ўринбосари;
- 6. Гултураев Шоҳпур Негматуллаевич**, Бошқарув Раиси ўринбосари;
- 7. Вохидов Ойбек Розиқович**, Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менеджмент департаменти директори - Бош бухгалтер;
- 8. Норхужаев Баҳриддин Нуритдинович**, Юридик департамент директори

9. Вакант - Риск Бош директори

билин тузилган меҳнат шартномаларини узайтириш масаласи дастлабки тарзда ижобий кўриб чиқилганлигини инобатга олиб, масала овозга қўйилди.

Кун тартибидағи ўнинчи масала, бўйича маълумот бериш учун Банкнинг Бош бухгалтери О.Вохидовга сўз берилди. Маъruzachi ўз нутқида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ жамиятнинг молиявий ҳисботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Мазкур талабларни инобатга олган ҳолда, Банкнинг 2022 йил учун консолидациялашган молиявий ҳисботининг аудити, Банкнинг 2022 йил биринчи ярим йиллиги якуnlари бўйича консолидациялашган молиявий ҳисботини оралик текшируви, 2022 йил учун ОТБ, ХТБ, ЕТТБ, ХМК ва JAICA каби халқаро молиявий ташкилотлари томонидан ковенантлар ҳисб-китобларининг тўғрилигини текшириш бўйича ҳисбот, шунингдек Марказий банк талабига биноан ҳисбот тузиш жараёнларни текшириш хизматларини сотиб олиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда танлов ўтказилган.

Танловда иштирок этиш учун “Deloitte & Touche” МЧЖ (*Күшилган киймат солигисиз, 240 645,26 АҚШ долларнинг эквивалент сўмда*) ва “Pricewaterhousecoopers” МЧЖ (*Күшилган киймат солигисиз, 213 584,02 АҚШ долларнинг эквивалент сўмда*) ташкилотлари томонидан танлов талабларига мос келадиган тижорат таклифлари келиб тушган. Банкнинг харид комиссияси “Pricewaterhousecoopers” МЧЖ томонидан берилган 213 584,02 АҚШ долларнинг эквивалент сўмда (*Күшилган киймат солигисиз*) миқдоридаги таклиф нарх ва сифат жиҳатдан мақбул деб топилган. Ушбу қарорни тасдиқлаш тўғрисида таклифи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала, бўйича сўз банкнинг Ходимларни бошқариш департаменти директори А.Исламовга берилди. Ўз нутқида маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасиниг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларидан келиб чиқиб, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65 моддасига мувофиқ йирик акциядор сифатида жорий йилга “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (KPI) ишлаб чиқилганини ва банк Кенгаши томонидан мақулланиб, банк акциядорлари йиллик умумий йиғилишига тасдиқлаш учун чиқарилганини таъкидлаб ўтди. Йиғилиш қатнашчиларидан кўшимча саволлар бўлмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (KPI) “тасдиқлаш” тўғрисида таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи масалалари, бўйича Юридик департамент директори Б.Норхужаев маъруза қилди. 2022 йил март ойида акциядорлар жамиятлари фаолиятига тегишли катта аҳамиятга эга бўлган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонунини ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганини маълум қилди (2022 йил 29 март ЎРҚ-760). Қонунчиликда бўлган ўзгартишлар банкнинг ички меъёрий хужжатларга ҳам замонавий қонунчилик ва амалиёт муҳитига мослаштиришни таказо этади. Бундан ташқари потенциал йирик инвесторлар (МФК, ЕТТБ) билан тузилган битимлардаги айрим талабларни бажариш мақсадида Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига чиқарилган “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки устави янги таҳрирда (олдинги редакцияга нисбатан 11та ўзгартириш ва қўшимчалар), “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар, “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк”

акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлаш тўғрисида масалалари бўйича Юридик департамент директори Б.Норхужаев атрофлича тушунтиришлар берди ва асослар билан таништириб ўтди. Тақдим этилган хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида масала овозга қўйилди.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала, бўйича сўз Ходимларни бошқариш департаменти директори А.Исламовга берилди. Ўз нутқида маъruzachi банкнинг трансформациянинг Зчи босқичига мувофиқ Бош банк ташкилий тузилмасини янада оптималлаштириш, банкнинг приватизация жараёнларини ва нуфузли инвесторларни жалб этиш бўйича ишларни аниқ белгилаш орқали иш самарадорлигини оширишни тартибли ташкил этиш мақсадида, Бош Банкнинг ташкилий тузилмаси қайтадан ишлаб чиқилганини маълум қилди. Тарқатма материалларда келтирилган Бош Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида масаласи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги ўн олтинчи ва ўн еттинчи масалалари, бўйича сўз Молия институтлари ва инвесторлар билан ишлаш департаменти директори А.Палвановга берилди. Ўз нутқида маъruzachi банкнинг Халқаро молия корпорациясининг 75 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси валютасини ўзгартириш ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 50 млн. АҚШ доллари мидқоридаги кредит линиясини жалб қилиш масаласи юзасидан ҳисбот берди.

Шунда, Ўзсаноатқурилишбанк фаолиятини Халқаро молия инситутлари иштирокида трансформация қилиш ва уни хусусийлаштириш борасида Президентимизнинг 2020 йил 12 майда ПФ-5992-сонли Фармонлари ва Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 29 марта 161-сонли қарори қабул қилинган таъкидлаб ўтиб, Мазкур норматив хужжатлар асосида банк томонидан Халқаро молия корпорациясининг (ХМК) 75 млн. АҚШ доллари ва Европа тикланиш ва тарққиёт банкининг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини жалб қилиш борасида ишлар амалга оширилмоқдалигини маълум қилди.

Мазкур 2 та кредит линияси кейинчалик банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилиниши режалаштирилганлиги ҳамда Кредиторлар томонидан акциядорларнинг битимларни маъқуллаши сўралганлиги сабабли, яқуний қарор қабул қилиш учун банк акциядорлари муҳокамасига киритилмоқда.

Банк ва Халқаро молия корпорацияси ўртасида кредит линиясини жалб қилиш борасида Кредит битими 2021 йил 20 сентябрда имзоланган эди ва ушбу келишув бўйича кредит маблағлари миллий валютада жалб қилиниши белгиланган эди.

2022 йил бошидан бери жаҳон иқтисодиётидаги юқори инфляцион кутилмалар ҳамда геосиёсий вазият натижасида халқаро молия бозорларида

маҳаллий валюталарда номиналланган кредитлар таклифи камайғанлиги сабабли Халқаро молия корпорацияси кредит рискини қайта ҳисобланган ҳолда ушбу кредит валютасини АҚШ долларига ўзгаришиш талабини қўйди.

Бунда ўзгаришиш фақат кредит валютасига тааллуқли бўлади ва келишувнинг бошқа шартлари ўзгаририлмайди.

Юқорида келитирилганлардан келиб чиқиб, Халқаро молия корпорацияси кредити валютасини ўзгаришиш (қўшимча келишув тузиш орқали) ҳамда АҚШ долларида жалб қилиниши масаласини қўллаб-кувватлашингизни сўраймиз.

Ўн еттинчи масала бўйича, Молия институтлари ва инвесторлар билан ишлаш департаменти директори А.Палванов банк томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитини банк капиталига конвертация имконияти билан жалб қилиш ишлари амалга оширилишини маълум қилиб, ушбу кредит линиянинг асосий шартлари бўйича қисқача маълумот берди (*тарқатма материалларда*).

Мазкур кредит линияси маблағлари хусусий сектордаги кичик ва ўрта бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади. Шу жумладан, кредит линиясининг 20%дан кам бўлмаган қисми “яшил лойиҳалар”га йўналтирилади.

ЕТТБ кредит линияси ХМК кредити билан бир хил структурага эга. Яъни, дастлаб кредит сифатида тақдим қилинади ва кейинчалик қўшимча оддий акцияларни муомалага чиқараши орқали банк капиталига конвертация қилинади. ЕТТБ Кредит битимида келтирилган ижобий, салбий ҳамда молиявий ковенантлар, Банк ва ЕТТБ ўртасида бугунги қунда амалда бўлиб турган кредит битимларида қўлланилаётган ковенантлар билан бир хил ва банк томонидан бажарилиб келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Банк томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясини банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилинишини қўллаб-кувватлашингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлари ва хусусийлаштириш ва трансформация қилишга қаратилган қарорлар ва дастурларни бажаришда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг фаоллигини ошириш мақсадида, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2021 йил учун ҳисоботи, 2021 йил учун стратегиясини бажарилиши тўғрисида ҳисбот тасдиқлансан (1-илюва). Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти қониқарли деб топилсан.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

2. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Тафтиш комиссиясининг хulosаси тасдиқлансан (2-илюва).

2.1. Тафтиш комиссиясининг хulosасида ҳисбот йилда банкнинг кредит портфелида муддати ўтган қарздорлик, суд жараёнида бўлган ссудалар бўйича, кўзда тутилмаган холатлар бўйича, кредит таъминотининг ҳолати, кам даромад олиб келадиган активлар бўйича маъсул департаментлар ҳисботда кўрсатиб ўтилган эътиrozлар бартараф этиш бўйича жорий йил охиригача Кенгашга ҳисбот бериши ва ички аудит томонидан бажарилиши назоратга олинсан.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

3. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисботи тасдиқлансан (3-илюва).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

4. Банк Кенгаши тавсия этган банк фойдасини тақсимлаш тартибига розилик билдирилсан. Тақсимланиши лозим бўлган 993 037 815 685,05 сўм фойда қуидагиларга йўналтирилсан:

- Умумий мақсадли захирани шакллантиришга – 49 651 890 784,25 сўм;
- Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 1 616 900 000 сўм (1 дона акцияга 4,37 сум);
- Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 0 сўм;
- Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзоларни тақдирлашга – 47 873 280 сўм;
- Тақсимланмаган фойда – 941 721 151 620,80 сўм.

4.1. 2022 - 2023 корпоратив йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашига сайланган бир аъзосига тақдирлаш ва компенсация харажатлари,

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгашининг 2022 йил 27 майдаги 2022/09-сонли Қарори асосида белгилансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

5. 2021-2022 корпоратив йилда Банк Кенгашининг ўз ўзини ҳамда хар бир Кенгаш аъзоларини баҳолаш натижалари инобатга олинсин (**4-илюва**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

6. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари инобатга олинсин (**5-илюва**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

7. Кумулятив овоз бериш натижаларига кўра, Банк Кенгashi аъзолари, Банк Уставида кўрсатилган муддатга, қўйидаги таркибда сайлансин:

т/п	Сайланувчининг фамилияси, исми ва шарифи. Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони
1.	Воитов Азиз Ботирович. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари.	232 099 951 343
2.	Султанов Дилшод Шухратович. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари.	232 099 951 343
3.	Мухтаров Улугбек Хакимович. Ўзбекистон Республикаси Тикланиши ва тараққиёт жамгармаси ижро этувчи директори ўринбосари.	232 099 951 343
4.	Мустафаев Хуршед Бахтиёрович. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департамент директори.	232 099 951 343
5.	Айзуп Юлия Александровна. (мустақил аъзо)	232 099 951 343
6.	Александр фон Глайх. (мустақил аъзо)	232 095 118 502
7.	Фердинанд Вильям Туинстра. (мустақил аъзо)	232 099 951 343

8.	Оксана Сивокобыльска. (мустақил аъзо)	232 099 951 343
9.	Грегг С. Робинс. (мустақил аъзо)	232 099 951 343

Кумулятив овоз бериш натижаларига кўра, Банк Кенгаши аъзоларига сайланмаган вакил.

10.	Маматкаримов Баҳтиёр Рустамович. “Ўзтрансгаз” АЖ Бошқарув Раисининг ўринбосари	4 832 841
------------	--	-----------

8. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигининг 2022 йил 6 июлдаги 02/29-36/943-сонли хатида таклифиға асосан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш киритилганлиги (2022 йил 29 март) сабабли, Банкнинг Тафтиш комиссияси фаолияти тутатилсин:

8.1 Банкнинг тегишли меъёрий хужжатларига ўзгартиришлар киритилсин ва ўрантилган тартибда тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

9. Кенгаш таклифи тўлиқ қаноатлантирисин ва Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари Банк Уставида кўрсатилган муддатга узайтирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

10. 2022 молия или бўйича банқда ташқи аудиторлик текширувани ўтказиш учун “Pricewaterhousecoopers” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин, унга тўланадиган энг кўп хақ миқдори 213 584,02 АҚШ доллари (сўм эквивалентида) (*Кушилган киймат солигисиз*) белгилансин ва у билан шартнома тузилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (КРІ) тасдиқлансин (**6 илова**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

12. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банкининг устави (янги таҳрирда) тасдиқлансан. (**7-илюва**).

12.1. 2020 йил 10 мартағи Банк акциядорлари Умумий йиғилишининг 01/2020-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банкининг устави бекор этилсан.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

13. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансан. (**8 иловада**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

14. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансан. (**9 иловада**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

15. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг янги ташкилий тузилмаси (**10-илюва**) тасдиқлансан.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

16. Халқаро молия корпорациясининг (ХМК) банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилинувчи кредитнинг валютасини ўзгартириш ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамда ХМК ўртасида 2021 йил

20 сентябрда имзоланган Кредит битимиға қўшимча келишув (**11-илюва**) тузиш масаласи маъқуллансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

17. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 50 млн. АҚШ доллари эквивалентидаги кредитини банк капиталига конвертация қилиш имконияти билан жалб қилиш масаласи маъқуллансин (**12-илюва**).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232 099 951 343 овоз
“ёқлайман” – 232 099 951 343 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Акциядорлари умумий йиғилиши Раиси:

У.Мухтаров

Акциядорлар умумий йиғилиши котиби

Х. Саттаров

Корпоратив маслаҳатчи

К.Алимов

Саноқ комиссия

Д.Абдуқадиров

Протокол расмийлаштириш санаси “30” июн 2022 йил.